



БИР ШЕЪР ТАЛҚИНИГА ДОИР

Жабборов Дилафруз,

ТДПУ катта илмий ходим-изланувчиси

Калит сўзлар: туйғулар оқими, илоҳийлашган образ, севги қиссаси, текст, гўзаллик тимсоли, темурийлар, шайбонийлар.

Сўнгги давр танқидчилигида Чўлпон шеъриятининг турли хил талқинлари яратилмоқда. Шоирнинг машҳур “Гўзал” шеъри ҳақидаги кузатишлар ҳам фикримиз далилидир. Таниқли чўлпоншунос олимлардан О.Шарафиддинов ва Н.Каримовлар мазкур шеърга ғоят юксак баҳо берадилар. Шеърни шоирнинг муҳаббат бобида яратилган ва инжа туйғуларга йўғрилган бадий мукамал асар сифатида баҳолашади. Жумладан, О.Шарафиддинов “Чўлпон” номли рисоласида “Унинг шеърий меросида соф лирика катта ўрин тутади. Бу лириканинг бир қисми адабиётнинг мангу қўшиғи – муҳаббатга бағишланган, қолганлари эса... мана ман деб кўриниб турадиган муайян мавзу йўқ. Уларда шоир бирорта ҳаётий деталь ёрдамида ёхуд бирор аниқ воқеа баҳонасида ўз қалбининг тубидаги туйғуларини очади... “Гўзал”, “Бинафша”, “Сирларинг”, “Қаландар ишқи”, “Галдир”, “Суйган чоғларда” каби шеърлар ҳам шундай асарлар жумласидандир. Улар Чўлпоннинг руҳият оламининг энг юксак чўққиларига кўтарилганидан далолат беради. Бу шеърларни жаҳон лирикасининг энг нодир намуналари билан бемалол бир қаторга қўшиш мумкин”²⁹, деб ёзади. Мунаққид ушбу қарашлардан келиб чиқиб, шоирнинг “Ваҳм”, “Қаландар ишқи” шеърлари каторида “Гўзал” шеърини ҳам таҳлилга тортади.

“Бу шеърда ёрнинг гўзаллиги ғоят нафис ифодаланган – у тушда ҳам, ўнгда ҳам, оққа кўмилганда ҳам, кўмилмаганда ҳам бениҳоя гўзал, у юлдуздан-да, ойдан-да, кундан-да гўзал, ҳатто ой ҳам, юлдуз

ҳам, кун ҳам унга ҳавас қилади, унинг қаршисида ўзларига ўзлари хунук кўриниб кетишади, андишага тушишади, уялишади...

Бундай шеърлар ҳар қандай одамга руҳий бардамлик бахш этади, унинг қалбини шаффоф нурларга чўлғайди, алланечук енгил торттиради”³⁰.

Ушбу кўчирмалар гувоҳлик бераётганидек, мунаққид шеърни муҳаббат мавзусида ёзилган асар сифатида баҳоламоқда ва ошиқнинг ёр – гўзал ишқида бедор ёнишларини инсон руҳиятининг инжа туйғулари сифатида талқин этмоқда.

Наим Каримов ҳам шеър таҳлилида шунга яқин қарашларни баён этади. Мунаққид ушбу шеър таҳлилига киришаркан, энг аввало, шеърият ҳақида, унинг жозибаси, инсон маънавий оламига, ҳис-туйғуларига кўрсатадиган ижобий таъсири ҳақида сўз очади.

“Ўзи, аслида, шеърият инсон дилини ардоқлаш учун, ундаги ғуборни пуркаб ташлаш учун дунёга келган. Шоир ҳам, аввало, ўз қалбини тўлдириб юборган туйғулар оқимини шеъриятнинг сеҳрли уммони томон йўналтиришга интилади. Ана шундай туйғулар оқими, одатда, гўзаллик билан учрашув натижасида, ундан нурланиш натижасида, электрланиш натижасида пайдо бўлади. Чўлпоннинг машҳур шеърларидан бири “Гўзал” деб номланган бўлиб, унда ҳам аёл қиёфасидаги ана шу нафосат олами билан учрашув нашидаси, аниқроғи, ана шу нафосатни кўмсаш туйғуси тараннум этилган”³¹. Н.Каримов шеърдаги гўзални

³⁰Ўша манба. –Б.42-43.

³¹Каримов Н. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. – Т.: 1991. –Б. 49.

²⁹Шарафиддинов О. Чўлпон. – Т.:1991. - Б. 40-41.



“аёл қиёфасидаги нафосат” дея таърифлайди ва лирик қахрамон(шоир)нинг бедор кечинмалари ушбу нафосатни кўмаш туйғуси эканига урғу қаратади. Мунаққид фикрича, шеърдаги маъшуқа ҳаётдаги реал аёл тасвири бўлмай, балки афсонавий хислатларга эга илоҳийлашган дилбар тимсолида келади.

Кўриниб турибдики, устоз О.Шарафиддинов ва Н.Каримовларнинг шеър ҳақидаги дастлабки муштарак қарашлари – унинг соф лирикага оид шеър сифатида тавсифланишидир. Мунаққидлар шеърдаги нафосат оламига йўғрилган лирик кечинмани, поэтик образ ва ифодадаги жозибани шоир поэтик маҳорати сифатида баҳолайдилар. Ҳар икки мунаққид фикрига кўра шеърдаги гўзал - “маъшуқа” илоҳийлашган ёр тимсолида келади. “Севгилисининг бунчалар гўзаллиги эса ошиқни – **ер одамини(таъкид бизники – Ж.Д.)** алланечук хавотирга солади”.³²

Н.Каримов фикрича, шоир “...номаълум дилбарнинг бу илоҳийлашган образи орқали илоҳийлашган севги қиссасини яратишга эришди”.³³

Ҳар иккала олим ҳам шеър таҳлилига бундан ортиқ тўхталиб ўтирмай унинг жаҳоний баҳосини беради ва бизнингча, ортиқча таҳлилга ҳожат ҳам йўқ: яъни шеърнинг зоҳирий ва ботиний маъносидаги уйғунлик “илоҳийлашган севги қиссаси”ни куйлашдир.

Энди иккинчи қараш – шеърдаги гўзалнинг миллий озодлик рамзи эканлиги ҳақидаги талқинларга эътиборни қаратсак. “Гўзал” шеърининг бундай талқинини адабиётшунос Д.Қуронови “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси”³⁴ номли қўлланмасида кўрамиз. Олим Чўлпоннинг бир қатор шеърларини давр билан, шоир ҳаёти ва дунёқарашига оид манбалар

билан бир бутунликда таҳлил қилишга ҳаракат қилади, таҳлилда биографик методдан фойдаланганига урғу қаратади. Олим мулоҳазаларига кўра “...конкрет асарни “текст” деб оладиган бўлсак, унинг мазмун –моҳияти фақат “контекст”дагини тўла намоён бўлиши мумкин”³⁵. Ушбу қарашлардан келиб чиқиб, олим шеър маъносини иккига –зоҳирий ва рамзий-ботиний маъноларга ажратади. Унга кўра зоҳирий мазмунда мумтоз адабиётимизга хос анъанавий севги-муҳаббат мавзуси куйланган бўлса, рамзий маъносида юртнинг миллий озодлик мотиви ифода этилган. “Шоир дилидаги миллий истиқлол орзуси унинг ижтимоий-эстетик идеали мақомига кўтарилган эди. Шунга кўра, айтиш мумкинки, “маъшуқа” Чўлпон учун миллий озодлик рамзи эди, шу боис ҳам шоир уни бошқа ҳамма нарсадан устун қўяди”³⁶, -деб ёзади олим бу ҳақда.

Н.Каримов 2003 йилда чоп эттирган “Чўлпон” номли маърифий романида “Гўзал” шеъри талқинига яна бир бор тўхталиб, юқоридаги каби қарашларга муносабат билдириб, гўзал ким деган саволга қуйидагича жавоб беради:

“Бундай лирик ҳарорат ва жозоба билан тўлиқ сатрларда шарафланган гўзал қизил рўмолли Хуррият эмас, балки жамики гўзаллик тимсоли – Соҳибжамолдир. Чўлпон улуғ рус шоири Александр Блок сингари, ҳусни жамолда беназр бўлган номаълум хонимнинг образини чизган. Бизнинг устозларимиз ҳам шу шеърни ишқий лириканинг гултожи сифатида севиб ўқиганлар”.³⁷ Кўриниб турибдики, олимнинг ушбу фикрлари гарчи номи келтирилмаса-да Д.Қуронови қарашларига жавобан айтилаётгани англашилиб турибди.

Бироқ, шунга қарамай, бу хил фикрларнинг бошқа олимлар кузатишларида ҳам учраши уларнинг илмий “даъво”ларининг қай даражада

³²Шарафиддинов О. Чўлпон. –Т.: 1991. –Б.43.

³³Каримов Н. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. – Т.: 1991. –Б. 50.

³⁴Қуронови Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. –Т.: 1997.

³⁵Ўша манба, 30-бет.

³⁶Ўша манба, 30-бет.

³⁷Каримов Н. Чўлпон.Маърифий роман.-Т.:124.



асосланганлигини ўрганишни тақозо этади. Жумладан, Й.Солижонов “Зулматдан нур кидирганлар” номли қўлланмасида “Чўлпоннинг “Халқ”, “Гўзал”, “Кўнғил”, “Куз”, “Бинафша”, “Бузилган ўлкага”, “Мен ва бошқалар”, “Кўзғолиш”, “Алданиш”, “Эркинлик истаги” сингари ўнлаб шеърларида эрк туйғуси, истиқлол умиди ёрқин ифодаланган”,³⁸ деб ёзса, филология фанлари доктори И. Эрматов “Чўлпон шеъриятида коннотация кудрати”³⁹ номли мақоласида “Гўзал” шеъри таҳлилларидан келиб чиқиб, қуйидагича хулосага келади:

“Хулоса қилиб айтганда, “Гўзал” шеърининг марказида турган рамз Чўлпон умрининг охирига қадар фақат тушларида кўрган, у мансуб бўлган миллат вакиллари эса қарийб бир юз қирқ йилдан кейингина ўнгида эришган миллий озодлик экан”⁴⁰.

Кўриниб турибдики, олимларнинг хулосаси бир хил бўлиб, шеърдаги “гўзал” рамзий образ сифатида миллий озодлик ғоясини ифодалашга йўналтирилгани таъкидланмоқда.

Шеър талқинидаги бундай турлича қарашлардан табиий савол туғилади: мадомики, шеър талқинида устувор икки хил қараш вужудга келган экан, унинг қайси бири ҳақиқатга яқинроқ? Аслида-ку, талқинларнинг бундай ранг-баранглиги герменевтиканинг ютуғи ҳисобланади. Зеро, адабий-танқидий талқинлар субъектив қарашлар ҳосиласи сифатида қанча хилма-хил бўлса адабиёт илми шунча ютади. Бироқ, айти пайтда, талқинлар бадиий матн билан қай даражада боғланган ёки илмий жиҳатдан асосланган, деган масала асосий мезон эканини ҳам ёддан чиқармаслик зарур.

Таъкидлаш жоизки, қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси жўшмаган, ўз ижодининг муайян бир йўналишини ватан ва миллат мадҳи билан беамаган бирорта

шоир ёки ёзувчини топиш амримаҳол. Шу маънода ватан ва миллат фидойиси бўлмиш Чўлпон ижодини юксак ватанпарварлик руҳида битилган ва миллий озодлик мотивлари билан суғорилган асарларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу типдаги шеърларида шоир ўз концепциясини аниқ-тиниқ баён этади, ўткир публицистик руҳ билан суғорилган ижтимоий-эстетик мазмун миллатни юрт озодлиги йўлида курашга чорловчи пафос даражасига кўтарилади. Бунга мисол қилиб “Бузилган ўлкага”, “Амалнинг ўлими”, “Ўзбегим”, “Кишан”, “Тун”, “Кўзғолиш” ва бошқа кўплаб шеърларини келтириш мумкин.

Д. Қуронов “контекст” сифатида келтирган омиллар - шеър ёзилган вақтдаги руҳий ҳолат, давр руҳи, “Алданиш” ва бошқа таҳлилга тортилган шеърлар олим хулосаларини асослашга хизмат қилмайди. Чунки мунаққид фикрини асослаш мақсадида “Гўзал” шеъри атрофида айланади-ю, лекин шеърнинг ўзини таҳлилга тортиб, “мана бу сатрлар ёки образлар миллий озодлик ғоясига ишора”, деб кўрсатмайди. Аксинча, шеърдаги етакчи поэтик образлар – “ошиқ” ва “маъшуқа” образларини “...улар шеърнинг мазмун тизимида бир унсур, холос”, дея бирёқлама хулосага келади. Ваҳоланки, олимнинг ушбу фикрларидан кейин келтирилган шеър структурасига оид таҳлиллар бу образлар шоир эстетик идеалини ифодаловчи асосий поэтик образлар эканлигини асослашга хизмат қилади. Зеро, шеърдаги бошқа поэтик унсурларни – юлдуз, ой, шамол, кун каби образларни бир нуқтада жамлаб, муайян мақсадга йўналтираётган асосий поэтик образлар – бу ошиқ ва маъшуқа образидир. Айнан шу образлар гўзал маъшуқа ишқида ёнаётган ошиқнинг бедор қалб кечинмаларини ифодалашга хизмат қилади. Буни олимнинг ўзи ҳам кузатувлари давомида эътироф этади.

Филология фанлари доктори Т.Ёрматов мақоласида ҳам шу фикр илгари сурилади. Муаллиф мақолада, чўлпоншунос Н.Йўлдошевнинг шеър ҳақидаги

³⁸Солижонов Й.Зулматдан нур кидирганлар. – Т.:2007. –Б.65.

³⁹Бадиий асарларни шарҳлаб ўрганиш: тарих, тажриба ва технология мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: -Б.57-60.

⁴⁰Ўша манба, 60-бет.



фикрларини инкор этар экан, шоир шеърда ошиқ бедорлиги ёки маъшуқа гўзаллигини мадҳ этиш билан чекланмагани, "...бу тасвир ёнғоқнинг пўсти каби эканлиги, шеърхон учун керакли мағиз эса бутунлай ўзга мазмун ва бадийий ғоя билан суғорилганлиги аён бўлади"⁴¹, деб ёзади. Олимнинг ўз фикрларини асослаш учун келтирган талқинларига тўхталишдан олдин, айтиш жоизки, Чўлпоннинг поэтик маҳоратини намоён қилувчи гўзал мисраларда битилган тасвирларни "ёнғоқнинг пўсти"га ўхшатиш унинг эстетик диди, шеърый нафосатни қай даражада ҳис қилишини тўла англатиб турибди.

Мақолада "Гўзал" шеъридан келтирилган кўчирмадан кейин олим куйидагича фикрларни ёзади:

"Герменевтика қоидаларига амал қилган ҳолда мисралардаги сўзлар талқинига эътиборни қаратадиган бўлсак, "кеча" сўзи, аёнки, қоронғиликни англатади. Қолаверса, "кўк" сўзи "осмон"га кундузги ёруғлик шароитидагина маъно жиҳатдан уядош бўла олади. Аммо Чўлпон "кеча"нинг олдидан атайлаб қоронғи изоҳловчисини келтиради, қоронғи осмоннинг ўрнига эса "кўк"ни қўллайди. Шеър "Қоронғу кечадан кўкка кўз тикиб" дея бошланади. Агар биринчи мисра "Кечаси осмонга кўз тикиб" дея бошланганда, номинатив маъно сақланиб, семантик коннотацияга асосланган рамз юзага келмаган бўлур эди".⁴²

Очиғи, ушбу мулоҳазаларни ўқиган китобхон олимнинг нима демоқчилигини англаши қийин кечади. "Кеча"нинг "қоронғулик"ни англатиши, "кўк"нинг осмонга фақат "кундузги ёруғлик шароитида уядош?" бўлиши ҳақидаги ажабтовур талқинларни қўя турайлик-да, шеърнинг дастлабки мисраси ҳақида "Агар биринчи мисра "Кечаси осмонга кўз тикиб"

деб бошланганда, номинатив маъно сақланиб семантик коннотацияга асосланган рамз юзага келмаган бўлур эди", деган қарашларига эътибор қаратайлик. Муаллиф бу ўринда "кўк" сўзи фақат кундузга нисбатан, "осмон" эса кечага қўлланади, демоқчидай туюлади. Ахир, кечанинг ҳам, кўкнинг ҳам кўплаб синонимлари бор ва шоир шеърдаги поэтик мақсаддан келиб чиқиб, энг ифодавийини қўллаши табиий. ("Кеча **оқшом фалакда**//Ой бўзариб ботганда. **Зухра юлдуз** милтираб // **Хира** ханда отганда". А.Орипов). Бинобарин, юқоридаги мулоҳазаларни ўқиганда, "Нега энди шоир поэтик гўзал ифода ўрнига жайдари, бадийийликдан йироқ сатрларни ёзиши керак экан", деган эътирозни билдиргингиз келади. Қолаверса, "Қоронғу кеча" бирикмаси матнда поэтик ифодадан ташқари вақт, пайт маъноларини ҳам англатиб келмоқда. Яъни, ҳали ой чиқиб, атроф ёришмаган, қоронғи тушиб фақат ёруғ юлдуз чиққан палла, деган маъноси борки, вақт тушунчаси ошиқнинг кечаси билан бедор ҳолатини ушбу тасвирдан кейинги ой, тонг шамоли, кун образлари орқали ифодаламақда. Бинобарин, шеърдаги юлдуз, ой, шамол, кун каби поэтик образлар шоирнинг эстетик мақсадини ифодалаш учун бир нуқтага жамланган унсурлардир.

Олим фикрини давом эттириб, кеча ва кундузнинг "символик" хусусиятини куйидагича кенгайтиради: "Айрим китобхонлар роман сарлавҳасидаги (гап "Кеча ва кундуз" романи ҳақида кетяпти – Д.Ж.) "кеча"ни ўтган замон (феодализм), "кундуз"ни эса шўролар даври(социализм) деб тушунишади. Чўлпон "Кундуз"ни халқимизнинг темурийлар, шайбонийлар ва уч хонлик давридаги миллий мустақиллигининг символи, "Кеча"ни эса большевиклар бошлаган кўпоровчилик, зўравонлик ва қирғиндан иборат қоронғи йўлсизликнинг рамзи сифатида қўллаган бўлса-чи?"(58-бет).

Албатта, олим томонидан айтилаётган бу мулоҳазалар яхши ният билан, Чўлпондек "элни мажнун бўлиб"

⁴¹Бадийий асарларни шарҳлаб ўрганиш:тарих, тажриба ва технология. –Т.: 1014.-Б.58.

⁴²Бадийий асарларни шарҳлаб ўрганиш:тарих, тажриба ва технология. –Т.: 1014.-Б.58.



севган буюк шоир ижодини халқ ва миллат тақдири билан узвий алоқадорликда талқин этишдек олижаноб туйғу орқали айтилаётгани, шубҳасиз. Бироқ, бундай қарашлар бадииятни, нафосат оламини сўз санъати воситаси-ла кашф этувчи сифатида ангай олишимиз лозимлиги ҳақида ўйга толдиради.

Мақола муаллифининг “Кун”(“Кундуз”) Чўлпон талқинида юқорида фараз қилганимиздек, халқимизнинг Россия истибдодига қадар бўлган миллий мустақил турмушини англатгудек бўлса, у “Гўзал”ни ўша пайтда “бир кўрдим” дейишга ҳақли бўлиб чиқади, “Кеча” вакиллари бўлган Юлдуз, Шамол ва Ой эса уни энди фақат тушларида кўрадилар. Поэтик мантиқ ипининг уланишини қаранг! У энди бизга “Гўзал” ниманинг рамзи эканлигини аён қила бошлайди”(60 бет), деган мулоҳазаларини

ўқиб, шеърни ифода тарзига зид тарзда, яъни “Кун”ни ўтмишдаги мустақиллик даври? деб, “Кеча”ни эса шўролар босқини даври сифатида ўз “қолип”ига солиб, уни “мантиқ ипининг уланиши” дея таърифлашда қанчалик сунъийлик бўлса, халқимизнинг мантиқан асосланган “Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ” деган мақолидаги ҳақиқатларга шунчалик зиддир. Зеро, чўлпонлар ўз жонларини тикиб курашган, орзу қилган “Кундуз” – шўролар салтанати - “кеча” қулагандан кейин эришган миллий мустақиллигимиз - бугунги кунимиздир.

Муаллифнинг ушбу мулоҳазалари Чўлпоннинг ҳар бир шеърини ижтимоий мазмунни биринчи ўринга чиқариб таҳлил қилиш, баъзан тадқиқотчини боши берк кўчага киритиб кўйишига ёрқин бир далилдир.

Жабборова Д. К интерпретации стихотворения Чулпана “Гузал”. В настоящей статье в сравнительном аспекте изучены различные интерпретации стихотворения Чулпана “Гузал”.

Jabborova D. About an analysis of a verse. In this article in the comparative aspect we studied different interpretations of the poem Chulpan "Guzal" in literary criticism.
